

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА НАРГИЗАХОН ЗОКИРЖОН ҚИЗИ

**ЎРКАЧСИМОН ЗОНАЛИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА ЎЛЧАМЛИ
КВАНТЛАШИШ ВА ҚУТБИЙ ОПТИК ҲОДИСАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ
ТАДҚИҚИ**

01.04.10 – яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Мамадалиева Наргизахон Зокиржон кизи

Ўрқачсимон зонали яримўтказгичларда ўлчамли квантлашиш ва
кутбий оптик ҳодисаларнинг назарий тадқиқи.....3

Мамадалиева Наргизахон Зокиржон кизи

Теоретическое исследование размерного квантования и
поляризационных оптических явлений в полупроводниках
с горбообразной зоной.....20

Mamadaliyeva Nargiza Zokirjon qizi

Theoretical research of dimensional quantization and polarization
optical phenomena in semiconductors with the camel's back zone38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА НАРГИЗАХОН ЗОКИРЖОН ҚИЗИ

**ЎРКАЧСИМОН ЗОНАЛИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА ЎЛЧАМЛИ
КВАНТЛАШИШ ВА ҚУТБИЙ ОПТИК ҲОДИСАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ
ТАДҚИҚИ**

01.04.10 – яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.4.PhD/FM297 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расулов Рустам Явкачович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломкодиорович

физика-математика фанлари доктори, доцент

Аюханов Рашид Ахметович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий тадқиқот-институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-94; факс: (+99871) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz), ЎзМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси)

Ш.Б. Утамурадова

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов

Фалсафа доктори илмий даражасини Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда жадал суратда ривожланиб бораётган нано- ва оптоэлектроника, поляритоника ва фотоника соҳаларида ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичли қурилмалар катта аҳамият касб этмоқда. Интенсивликка нисбатан чизиқли ва ночизиқли кутбий оптик ва фотовольтаик эффектларни ўрганиш соҳасида ўта паст инерцияли инфрақизил соҳада ишлайдиган фотокучайтиргичлар ва фотоелектрон қурилмаларни яратилишига эҳтиёж туғилмоқда. Шу сабабдан кўп яримўтказгич ва унинг наноўлчамли структураларида ёруғликнинг кутбланиш даражасига боғлиқ бўлган оптик ва фотовольтаик эффектлар муаммоларини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда ўлчамли квантлашган ва ҳажмий яримўтказгичларда содир бўлувчи физик жараёнларни чуқур тадқиқ қилиш борасида қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишлар муҳим вазифалардан ҳисобланади: «потенциал ўра+потенциал тўсиқ» даврий тўпламидан ташкил топган яримўтказгичли структурада электронларнинг локаллашган ҳолатларини аниқлаш, кутбланган ёруғлик таъсирида яримўтказгичларда содир бўлувчи оптик ва фотовольтаик эффектларнинг механизмларини аниқлаш; кутбий фотовольтаик эффектларга тегишли фотонли эргаштириш фототокининг спектрал ва температуравий боғланишларини ҳисоблаш; кутбланган ёруғлик ютилишининг яримўтказгич зонасининг ўзига хослигига, хусусан ўркачсимонлигига, боғлиқлигини аниқлаш.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, фотоелектрик ходисаларни қамраб олувчи ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичларда кечадиган оптик ва фотонли кинетик ходисаларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг эффектив механизмларини яратиш масалаларига оид муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 июлидаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа тегишли меъёрий-

хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбалари-дан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қутбланган ёруғлик таъсири-да содир бўладиган ҳодисаларнинг мураккаб валент зонали яримўтказгич-лардаги тадқиқоти жаҳоннинг қатор ривожланган мамлакатлар илмий тадқиқот институтлари ва университетларида олиб борилмоқда. Жумладан, The American Institute of Physics (АҚШ), University of New Hampshire (АҚШ), Universität Regensburg (Германия), Institute of Physics (Варшава, Польша), академик А.Ф. Иоффе номи Физика-техника институти (Санкт-Петербург), П.Н.Лебедев номи Физика институти (Москва), яримўтказгичлар физикаси институтлари (Новосибирск, Россия; Киев, Украина)да бундай турдаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, қутбланган ёруғлик таъсирида содир бўладиган фотовольтаик ҳодисаларнинг қатор механизмлари А.М.Гласс (АҚШ), фон Балтц (Германия) ва В.М.Фридкин (Москва, Россия)лар томонидан сегнетоэлектрикларда тадқиқ қилинган. Шунингдек, ҳажмий яримўтказгичларда қутбий фотовольтаик эффектларнинг экспериментал тадқиқотлари К.Н.Herman (Германия) ва А.Ф.Gibson (АҚШ) томонидан *GaP*да, G.Ribakovs, A.A.Gudjian (Канада) ва А.А.Рогачев (Санкт-Петербург, Россия) томонидан теллурда, J.M.Doviak, S.Kothari (АҚШ) ва И.Д.Ярошецкий (Санкт-Петербург, Россия), С.Д.Ганичев (Дортмунд, Германия) томонидан *p-GaAs*да, кузатилган бўлиб, В.А.Шалыгин (Санкт-Петербург, Россия) томонидан икки ўлчамли яримўтказгичлар наноструктураларида (ток ташувчилар спинларига боғлиқ бўлган фотовольтаик эффект тадқиқи) олиб борилган.

Россия ФА академиклари В.И.Перель (Санкт-Петербург) ва Ю.В.Копаев (Москва), Россия ФА мухбир аъзолари Е.Л.Ивченко ва М.М.Глазов, профессорлар Г.Е.Пикус, Н.З.Аверкиев, Л.Е.Голуб, С.А.Тарасенко, М.И. Дьяконов (Санкт-Петербург), профессорлар В.И.Белиничер, Б.И.Стурман, Л.И.Магарилл, А.В.Чаплик, М.В.Энтин, (Новосибирск) раҳбарлигидаги бир гуруҳ россиялик олимлар томонидан яримўтказгичли наноструктуралар ва топологик диэлектрикларда ҳамда графенда қутбий фотовольтаик эффектларнинг айрим механизмлари назарий ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан Э.З.Имамов ва Р.Я.Расулов томонидан фотонли эргаштириш, айрим қутбий оптик ва фотовольтаик эффектларнинг механизмлари ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичларда тадқиқ қилинган.

Қутбий оптик ва фотовольтаик эффектларга оид адабиётларда чоп этилган илмий ишлар натижаларининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, айти пайтгача: а) ўрқачсимон ўтказувчанлик зонали *n-GaP*да ўлчамли квантлашиш эффекти ва зона тармоқлариаро қутбланган ёруғликнинг ютилиш механизмлари оптик ўтишларнинг табиатига ҳамда ёруғликнинг кристалл

бош симметриясига нисбатан тарқалиш йўналишига боғлиқлиги; б) ўрқачсимон зонали яримўтказгичларда бир фотонли эргаштириш ҳодисаси ва ёруғликнинг ютилиши; в) *n-GaP* да бир фотонли ёруғлик ютилишининг чизикли циркуляр дихроизми; д) фотонли эргаштириш токига спин-орбитал таъсир (*g*-фактор)нинг таъсири тадқиқ этилмаган. Бундай тадқиқотлар ушбу диссертация ишида олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институтининг «Яримўтказгичлар характеристикаларини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш» мавзусида (2016-2018 й.) илмий тадқиқот лойиҳаси ва Фарғона давлат университети рақамли «Яримўтказгичлар ва уларнинг наноструктураларида фотонли кинетик эффектларнинг назарий тадқиқи» (2017-2019 й.) фундаментал тадқиқотлар гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрқачсимон зонавий тузилишга эга бўлган яримўтказгичдаги икки ўлчамли электронлар учун локаллашган ҳолатлар ва бир зона тармоқлариаро кечадиган оптик ўтишлар билан тавсифланувчи оптик ва фотонли эргаштириш эффектларининг механизмларини квант-механикавий аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

навбатма-навбат жойлашган потенциал тўсиқ ва ўралардан ташкил топган яримўтказгичли носимметрик структурада электронли ҳолатларни назарий тадқиқ қилиш;

ўрқачсимон зонавий тузилишга эга бўлган яримўтказгичда кутбланган ёруғлик ютилишининг квант механикавий ҳисоблашларини бажариш;

n-GaP ўтказувчанлик зонаси тармоқлариаро оптик ўтишларни табақалаштириш ҳамда бир фотонли чизикли кутбланган ёруғлик ютилиш коэффиценти спектрал ва температуравий боғланишларининг математик ифодаларини аниқлаш;

ўрқачсимон зонавий тузилишга эга бўлган яримўтказгичда ток ташувчилар фотонли эргаштириш токининг спин-орбитал ўзаро таъсир коэффиценти (*g*-фактор)га боғлиқ улушини ҳисоблаш;

олинган назарий натижаларни электрон ўтказувчанликли галлий фосфида олинган тажриба натижалари билан солиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрқачсимон зонали тетраэдр симметрияли яримўтказгичлар ва икки ўлчамли ток ташувчилар тизимлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети ўрқачсимон зонали тетраэдр симметрияли яримўтказгичлар ва икки ўлчамли ток ташувчилар тизимларида ўлчамли квантлашиш ва кутбий фотонли кинетик эффектларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқ қилинган масалаларни ечишда Шредингер тенгламаси, квант статистик физикаси ва физикавий кинетикада қўлланиладиган диаграммалар техникаси, гуруҳлар ва инвариантлар назарияси методлари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

потенциал ўра ва тўсиқларнинг даврий жойлашувидан ҳосил бўлган носимметрик структурада электронларнинг локаллашган ҳолатлари ҳисобланган ва асимметриявий структура қатламларидаги ток ташувчиларнинг транспорт матрицасининг (transfer matrices) унитар матрица бўлмаслиги исботланган;

зоналараро оптик ўтишлар билан тавсифланувчи уч фотонли чизиқли-циркуляр дихроизм ҳисобланган;

ўрқачсимон зонали яримўтказгичларда кутбланган ёруғликнинг ютилишида тарқалиш йўналишига боғлиқ бўлган квадрат илдиз табиатли ўзига хослик мавжудлиги аниқланган;

тажрибада кузатилган *n-GaP*да ёруғлик ютилиш коэффициенти спектрал боғланишининг экстремум орқали ўтиши зонанинг ўрқачсимонлиги билан боғлиқлиги назарий исботланган;

ўрқачсимон зонали яримўтказгичда бир фотонли эргаштириш токига коваклар *g*-факторининг улуши квант механикавий усулида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

кўп қатламли яримўтказгичларда электронли ҳолатларнинг ҳисоблаш усуллари яримўтказгичли паст ўлчамли ток ташувчилар тизимида қўлланилган;

кутбий оптик ва фотонли эргаштириш эффектлар натижаларини татбиқ этиш билан оптоэлектрон қурилмалар ва фотоқабулқилгичлар маълумотларини оптикавий голографик ёзиш, хотирада сақлаш, қайта ишлаш системаларининг оптик хусусиятларини оптималлаштиришда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган ҳисоблаш натижаларининг мураккаб зонали яримўтказгичлардаги фотонли кинетик ҳодисалар соҳасида бажарилган тажриба натижаларига мос тушиши, қаттиқ жисмлар назариясида қўлланиладиган гуруҳлар назарияси ва квант статистик физиканинг ҳисоблаш методларидан фойдаланилганлиги, текшириш объектининг тўғри танланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти *n-GaP*да ўлчамли квантлашиш, кутбий оптик ва айрим фотовольтаик эффектлар зонасининг ўзига хослигига эътибор қаратиб олинган натижалар тўғрисида янги маълумотлар беришда ўз ифодасини топган.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичда кечадиган кутбий оптик ва фотовольтаик эффектлар опто-ва наноэлектроника, фотоника ва поляритоника каби соҳаларда қўллаш имконини беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрқачсимон зонали яримўтказгичларда ўлчамли квантлашиш ва кутбий оптик ҳодисалар механизмларини аниқлаш асосида:

ўрқачсимон зонали яримўтказгичдаги кутбланган ёруғликнинг бир ва

кўп фотонли спектрлари бўйича ҳисоблаш натижалари «FOTON» акционерлик жамиятида жорий этилган (“Ўзэлтехсаноат” акционерлик компаниясининг 2019 йил 7 мартдаги 02-35-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўта паст инерцияли галлий арсенидли фотодатчикларнинг яратилишига ва яримўтказгичли оптоэлектрон қурилмаларнинг оптик характеристикаларини оптималлаштириш имконини берган;

ўрқачсимон зонали яримўтказгичларда фотонли эргаштириш токининг спектрал боғланиши натижалари АҲР(Ғ) 2015/6 рақамли «The investigation of photoelectrical properties of the Photodiodes for 1-4 μm infrared region» лойиҳасида 1-4 μm тўлқин узунликли яримўтказгич фотодиодларининг хоссаларини назарий тадқиқ қилишда фойдаланилган (Улудағ университетининг (Туркия) 2019 йил 2 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли фотоўзгартиргичларнинг юқори частоталар соҳасида ишлаш имконини яратган;

навбатма-навбат жойлашган потенциал ўра ва потенциал тўсиқлардан ташкил топган структурадаги локаллашган ҳолатлар бўйича олинган натижалар Ф2-ОТ-О-15494 рақамли «Квант нуқтали гетеро- ва наноструктуралардаги экситонларни, поляронларни, биполяронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг эффектдорлигини яхшилаш» лойиҳасида квант нуқтали гетеро- ва наноструктуралардаги оптик ўтишларнинг таҳлилларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 февралдаги 89-03-670-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб зонали яримўтказгичлар асосида ўстирилган гетеро ўтишли структураларда фотонли кинетик эффектларни тадқиқ қилиш имконини берган;

зонаси битта тармоғининг ўрқачсимон бўлган куб симметрияли яримўтказгичларда фотонли эргаштириш токининг ҳисоблашлари 10/2000 рақамли «Ионларнинг каналланиши ва фотоўйғотилишида яримўтказгичли кристаллар ва ўлчамли квантлашган структураларда экситон-поляритонли люминесценция» лойиҳасида яримўтказгичли кристалларнинг люминесценция спектрал таҳлилларини ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 февралдаги 89-03-670-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич ва ўлчамли квантлашган структураларда кузатиладиган люминесценция тадқиқотлари соҳасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 14та илмий ишда нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 111 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертация *n-GaP*да ўлчамли квантлашиш, ёруғликнинг кутбланиш даражасига боғлиқ бўлган оптик ва фотовольтаик эффектлар яримўтказгич зонасининг ўрқачсимонлигига эътибор қаратилган ҳолда тадқиқ қилишга бағишланган.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг Ўзбекистон фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қайд қилинган, хорижий ва республикамызда мавзу бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текшириш предмети ва объекти келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг назарий, амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар шунингдек диссертациянинг структураси бўйича маълумотлар берилган.

«Яримўтказгичли ва унинг ўлчамли квантлашган тизимларида кутбланган оптик ва фотовольтаик эффектлар» номли биринчи боб ҳажмий ва ўлчамли квантлашган яримўтказгичларда кечадиган ҳамда ёруғликнинг кутбланиш даражасига боғлиқ бўлган оптик ва фотовольтаик эффектларнинг тадқиқига бағишланган. Бу бобда мураккаб зонали яримўтказгичда кутбланган ёруғликнинг ютилиши, икки ўлчамли яримўтказгичда кутбланган ёруғлик ютилишининг танлаш қоидалари, мураккаб валент зонали яримўтказгичли квантлашган ўраларда ёруғлик ютилиши, яримўтказгич ва унинг ўлчамли квантлашган структураларида кутбий фотовольтаик эффектлар, кутбий фотовольтаик эффектларнинг феноменологик таҳлиллари бўйича адабиётлар шарҳи олиб борилган. Бу ҳолда ток ташувчиларларнинг ўлчамли квантлашиши, яримўтказгичларнинг зонавий тузилиши, импульс операторининг бир зона тармоқлари ичидаги матрицавий элементлари ҳисобланган, бу ҳодисаларнинг диссертация мавзусига тегишли механизмлари эффектив гамильтониан усулига нисбатан таҳлил қилинган. Бу бобда таҳлил қилинган ишларда *n-GaP*да ўлчамли квантлашиш, кутбланган ёруғликнинг ютилиши ва фотонли эргаштириш фототокининг тадқиқида ўтказувчанлик зона ўрқачсимонлигига эътибор қаратилмаганлиги, бир фотонли когерентли тўйиниш эффектининг бир фотонли ютилишига улуши тадқиқ этилмаганлиги қайд қилинган.

Икки ўлчамли квантлашган электронлар газида фотонли эргаштириш эффектининг элементар механизмлари қатор ишларда тадқиқ қилинган бўлиб, бироқ уларда: энергетик спектрининг ўлчамли квантлашиши электронлар импульсининг ўлчамли квантлашиши билан боғлиқлиги; оғир ва енгил коваклар кўндаланг эффектив массаларининг ўлчамли квантлашган

сатҳларнинг тартиб рақамига боғлиқлиги; оптик ўтишлар матрицавий элементларининг фотон импульсига боғлиқлиги эътиборга олинмаган.

«Электрон ўтказувчанликли галлий фосфидида қутбланган ёруғликнинг ютилиш назарияси» номли иккинчи бобда қутбланган ёруғликнинг бир ва кўп фотонли ютилиши ҳисоблашлари нафақат яримўтказгич зонавий тузилишининг ўзига хослигига, балки ёруғлик тарқалишининг яримўтказгич бош симметрия ўқиға нисбатан ориентациясига боғлиқ ҳолда олиб борилган. Бунда ёруғлик ютилиш коэффициентининг спектрал боғланишида унинг тарқалиш йўналишига боғлиқ ҳолда ўзига хосликнинг кузатилиши хусусида таҳлиллар олиб борилган.

Келгусида ковак ўтказувчанликли, масалан $p-GaAs$ тур, яримўтказгич валент зонасидаги енгил ва оғир коваклар тармоқлари орасидаги икки фотонли оптик ўтишларда қатнашаётган n_1 тартиб рақамли оралик (виртуал) ҳолатлар ўша Γ_8 зонада жойлашган деб ҳисобланган. У ҳолда $n \equiv (V_2, m) \rightarrow n' \equiv (V_1, m')$ оптик ўтишларга тегишли икки фотонли ютилишга $(V_2; \pm 1/2) \rightarrow (V_2; \pm 1/2) \rightarrow (V_1; \pm 3/2)$, $(V_2; \pm 1/2) \rightarrow (V_1; \pm 3/2) \rightarrow (V_1; \pm 3/2)$ тур тўртта жараён улуш беради. Бундай оптик ўтишлар эътиборга олинса, у ҳолда частотаси $\hbar\omega \gg k_B T$ шартни қаноатлантирганида икки ва бир фотонли ёруғлик ютилиш коэффициентларининг нисбати қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\frac{K^{(2)}(\omega)}{K^{(1)}(\omega)} = \frac{2 \cdot W^{(2)}}{W^{(1)}} = 2g_2 \frac{2\pi e^2 I}{m_0^2 \omega^2 c n_\omega} \frac{m_0^2}{\hbar^2} \frac{16B^2}{(\hbar\omega)^2} \frac{k_2^4}{k_1^4} \frac{e_z^2 |e_+^+|^2}{(1 - e_z^2)} \frac{k_2}{k_1} e^{(\mu - E^*)/k_B T}, \quad (1)$$

бу ерда g_2 когерентлик фактори, I – ёруғлик интенсивлиги, B – яримўтказгич зонавий параметри, $k_2(k_1)$ – ковакларнинг икки (бир) фотонли ютилишдаги тўлқин вектори, E^* – ковакларнинг бир фотонли ютилишдаги энергияси, μ – Ферми энергияси, ифода устидаги чизик бурчакка нисбатан ўрталаштиришни англатади. Қолганлари маълум катталиклардир. Бу ҳолда икки ва бир фотонли оптик ўтишларда энергиянинг сақланиш қонуни ҳамда $\overline{(1 - e_z^2)} = \frac{2}{3}$,


шунингдек $\overline{(|e_z^-|^2 |e_+^+|^2)}$ чизикли қутбланган ёруғлик учун 2/15, циркуляр қутбланган ёруғлик учун 1/5 экани эътиборга олинса, у ҳолда ёруғликнинг икки фотонли ютилишда чизикли-циркуляр дихроизм содир бўлади.

Ёруғликнинг зоналараро вертикал оптик ўтишлар ҳисобига ютилиш коэффициенти ҳисоблашда электрон энергетик спектридаги нопараболик ҳад эътиборга олинса, у ҳолда куб симметрияли яримўтказгичда бир квантли ютилиш коэффициенти $x = E_g / \hbar\omega$ нинг ортиши билан орта боради (1-расм). Бу ҳол частотанинг ортиши билан ток ташувчилар тақсимот функциясининг камайишига нисбатан концентрациясининг ортиши сезиларли бўлиши билан тушунтирилади.

Ўтказувчанлик ва валент зоналари ҳамда валент ва спин орбитал кенгайган зоналараро оптик ўтишлар эътиборга олинганида куб симметрияли яримўтказгичларда ёруғликнинг $3 \cdot \hbar\omega - E_g \ll E_g$ шартни қаноатлантирувчи уч

фотонли ютилишида чизикли ва циркуляр кутбланган ёруғликлар таъсирида оптик ўтишлар эҳтимолликларининг $W_{\text{чиз}}^{(3)} / W_{\text{цирк}}^{(3)}$ нисбати $E_g / (3\hbar\omega - E_g)$ нисбат билан аниқланади, яъни $W_{\text{чиз}}^{(3)} \gg W_{\text{цирк}}^{(3)}$ шарт бажарилади. Бу натижа моментларнинг сақланиш қонунига мазмунан мос келади, чунки учта циркуляр кутбланган фотонлар моментининг ёруғлик тўлқин вектори йўналишига бўлган проекцияси $+3\hbar$, зоналараро оптик ўтишларда эса фотон моменти икки бирликдан ортиқ қийматга ўзгармайди, чунки оғир ковак ва электрон моментларнинг йиғиндиси $+3\hbar/2 + \hbar/2 \equiv 2\hbar$ га тенг бўлиши мумкин.

Агар, $(3\hbar\omega - E_g)$ катталик миқдоран орта борса, у ҳолда “рухсат этилган-тақиқланган-тақиқланган”



1-расм. $K^{(1)} / K_0^{(1)}$ нисбатнинг $x = \hbar\omega / E_g$ катталикка боғлиқлиги. Бу ҳолда

$$K_0 = \frac{e^2}{\hbar c n_\omega} k_1^{(g)}, \quad k_1^{(g)} = [2\mu_1 E_g / \hbar^2]^{1/2}.$$

$V \rightarrow V \rightarrow V \rightarrow c, \quad V \rightarrow c \rightarrow c \rightarrow c,$
 $V \rightarrow V \rightarrow c \rightarrow c$ тур оптик ўтишлар ҳам содир бўлади. Бундай тур уч фотон(этап)ли оптик ўтишлар чизикли кутбланган ёруғлик учун ҳам, циркуляр кутбланган ёруғлик учун ҳам рухсат этилган бўлади, чунки бундай оптик ўтишларда циркуляр кутбланган фотонлар моментларининг бир қисми электронларнинг битта зона ичидаги ҳаракатига ҳам узатилади. Масалан, *InAs* учун уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизм коэффициенти $\alpha^{(3)} = W_{\text{чиз}}^{(3)} / W_{\text{цирк}}^{(3)} > 10$ бўлади.

n-GaP ўтказувчанлик зонаси пастки тармоғининг ўрқачсимонлигига эътибор қаратилса, у ҳолда бир фотонли ёруғлик ютилиш коэффициенти спектрал ва температуравий боғланиши куйидагича ифодаланади:

$$K = \frac{4\pi^2}{3} \frac{e^2}{\hbar c} \frac{a}{n_\omega} \frac{P^2 N}{(\hbar\omega)^2} \frac{\Delta}{\sqrt{(\hbar\omega)^2 - \Delta^2}} e^{-\frac{Ak_\omega^2 - (\hbar\omega/2)}{k_B T}} \quad (2)$$

бу ерда $\left[1 - \frac{4P^2 k_\omega^2}{\hbar\omega(\hbar\omega + \Delta)}\right]^2 = \left(\frac{\Delta}{\hbar\omega}\right)^2$ ва $\sum_\alpha e_\alpha^2 = 1$ муносабатлар эътиборга

олинган, Δ – зона тармоқлари орасидаги Бриллюэн зонаси марказидаги энергетик тирқиш, A, P – электронлар эффектив гамильтонианидаги тўлқин векторга нисбатан квадратик ва чизикли ҳадларга тегишли зонавий

параметрлар, k_ω – ток ташувчиларнинг энергиянинг сақланиш қонуни ёрдамида аниқланадиган ўлқин вектори.


2-расмда ёруғликнинг ютилиш коэффициентининг $a = const$ ҳолда (2) ифодага нисбатан ҳисобланган спектрал боғланиши тажриба натижалари билан солиштирилган. $K(\frac{\hbar\omega}{\Delta}) / K(T)$ катталиқнинг спектрал боғланишидаги максимумнинг ҳосил бўлиши $n-GaP$ ўтказувчанлик зонаси пастки тармоғининг ўрқачсимонлиги туфайли содир бўлади. Бунда фотонлар энергиясининг $\Delta \leq \hbar\omega \leq \Delta + \varepsilon_{min}$ соҳасида оптик ўтишда иштирок этаётган ўрқач соҳасидаги электронлар сонининг орта, $\hbar\omega > \Delta + \varepsilon_{min}$ соҳада - камая бориши билан тушунтирилади, бу ерда ε_{min} -ўрқачнинг чуқурлиги (масалан, $n-GaP$ учун $\varepsilon_{min} \cong 3.5 \text{ meV}$). Ҳисоблашлар кўрсатадики, $K(\frac{\hbar\omega}{\Delta}) / K(T)$ катталиқ $\lambda_{max}^{(theor)} = 3.35 \cdot 10^{-6} \text{ m}$ да максимумга эришади, тажрибада эса: $\lambda_{max}^{(exp)} = 3 \cdot 10^{-6} \text{ m}$.

«Икки ўлчамли яримўтказгичларда электронли ҳолатларнинг назарий тадқиқи» мавзули учинчи бобда асимметрий потенциал ўра ва потенциал тўсиқлардан ташкил топган яримўтказгичли структурада электронли транспорт (ташиш) ҳодисаси таҳлил қилинган: $x \leq x_1$ ҳолда $U(x) = U_1$, $x_1 \leq x \leq x_2$ ҳолда $U(x) = U_2$, $x \geq x_2$ ҳолда $U(x) = U_3$ бўлган потенциал майдонда транспорт матрицасининг матрицавий элементлари

$$T_{11}^{(3)} T_{22}^{(3)} - T_{12}^{(3)} T_{21}^{(3)} = \frac{\tilde{k}_3}{\tilde{k}_1} \text{ шартни}$$

қаноатлантиради ва умумий ҳолда бу матрица унитар матрица эмас, аммо симметриявий ва қатламлари кимёвий бир хил (электронларнинг эффектив массалари бир хил) бўлган структураларда эса унитар матрица бўлади. Агар $j, j+1, j+2, j+3$ тартиб рақамли қатламлари учун

$$E_{j+1}(k_n) = \frac{\pi^2 n_{j+1}^2}{4 m_{j+1}^2 (x_{j+1} - x_j)^2},$$



2-расм. $K(\frac{\hbar\omega}{\Delta}) / K(T)$ катталиқнинг ҳона температурасига мос келувчи назарий (нуқталар) ва экспериментал (ромблар) спектрал боғланишлари. Бу ерда

$$K(T) = \frac{5e^2}{3\hbar c n_\omega} \frac{P^2 e^{\frac{E_F}{k_B T}}}{(A_3 - A_1)^{3/2} \sqrt{\Delta}}.$$

$E_{j+3}(k_n) = \frac{\pi^2 n_{j+3}^2}{4m_{j+3}^2(x_{j+3} - x_{j+2})^2}$ ўлчамли квантлашиш шарти бажарилса, у ҳолда

транспорт матрицасининг диагонал матрицавий элементи

$$\begin{aligned} |T_{11}^{(j,j+4)}|^2 &= (4\tilde{k}_j\tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+3})^{-2} \times \\ &\times \left\{ \cos^2[k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1})] \cdot [\tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+3}(\tilde{k}_j + \tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+2} + \tilde{k}_{j+4}) + \tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+3}(\tilde{k}_j - \tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+2} - \tilde{k}_{j+4})] \right. \\ &+ \sin^2[k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1})] \cdot [\tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+3}(\tilde{k}_j - \tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+2} - \tilde{k}_{j+4}) - \tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+3}(\tilde{k}_j + \tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+2} + \tilde{k}_{j+4})] \left. \right\}^2 \end{aligned} \quad (3)$$

$$E_{j+1}(k_n) = \frac{\pi^2}{4m_{j+1}^2(x_{j+1} - x_j)^2}(2n_{j+1} + 1)^2, \quad E_{j+3}(k_n) = \frac{\pi^2}{4m_{j+3}^2(x_{j+3} - x_{j+2})^2}(2n_{j+3} + 1)^2 \text{ шарт}$$

бажарилганида эса

$$\begin{aligned} |T_{11}^{(j,j+4)}|^2 &= (4\tilde{k}_j\tilde{k}_{j+1}\tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+3})^{-2} \times \\ &\times \left\{ \cos^2[k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1})] \cdot [(\tilde{k}_{j+1}^2 + \tilde{k}_j\tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+3}^2 + \tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+4}) + (\tilde{k}_{j+1}^2 - \tilde{k}_j\tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+3}^2 - \tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+4})] \right. \\ &+ \sin^2[k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1})] \cdot [(\tilde{k}_{j+1}^2 - \tilde{k}_j\tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+3}^2 - \tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+4}) - (\tilde{k}_{j+1}^2 + \tilde{k}_j\tilde{k}_{j+2})(\tilde{k}_{j+3}^2 + \tilde{k}_{j+2}\tilde{k}_{j+4})] \left. \right\}^2 \end{aligned} \quad (4)$$

Бу ифодаларда $n_j - j$ тартиб рақамли қатламдаги ўлчамли квантлашган сатҳларнинг тартиб рақами, $k_j(x) = k_j = \sqrt{2m_j(E - U_j)/\hbar^2}$, $\tilde{k}_n = k_n / m_n$, $m_n - n$ тартиб рақамли қатламдаги электроннинг эффектив массаси. Натижада потенциал ўралари ўлчамли квантлашган наноструктураларда ҳам интерференциявий туннел ҳодисалари кузатилади ва бу ҳодиса потенциал тўсиқнинг катталиклари билан назорат қилинади. Бундай ҳоллар каскадли гетеролазерларда катта аҳамиятга эгадир. 3-расмда уч қатламли $AlAs - In_{0.53}Ga_{0.47}As - InAs$ структура учун


потенциал тўсиқ ости ўтиш коэффициентининг потенциал тўсиқ ($AlAs$) қалинлигига боғлиқлиги тасвирланган: узлуксиз чизик 150 meV энергияли электронларга, нукталар эса 50 meV энергияли электронларга тегишли. Микдорий ҳисоблашларда қуйидаги катталиклар танланган:

$$U_1 = 55 \text{ meV}, \quad U_2 = 35 \text{ meV},$$

$$U_3 = 45 \text{ meV}, \quad m_1 = 0.046 \cdot m_0,$$

$$m_2 = 0.023 \cdot m_0, \quad m_3 = 0.124 \cdot m_0.$$

Бу ҳолда энергиянинг ортиши билан потенциал ости ўтиш коэффициенти осцилляция амплитудасининг ортиши электрон де-Бройль тўлқин амплитудасининг энергияга тўғри пропорционал-



3-расм. $AlAs - In_{0.53}Ga_{0.47}As - InAs$ структура учун потенциал тўсиқ ости ўтиш коэффициенти тўсиқ ($AlAs$) қалинлигига боғлиқлиги.

лиги билан, такрорланишнинг камайиши эса ихтиёрий икки қўшни қатламдаги де-Бройль тўлқинлар фазаларининг ҳар хиллиги ва уларнинг фазалар фарқига боғлиқ интерференцияланиши билан тушунтирилади.

Шундай тарзда электроннинг симметриявий структурадаги потенциал тўсиқ устидан ўтиш коэффицентининг электрон энергиясига боғлиқ ҳолда осцилляцияланишини ҳам келтириб чиқариш мумкин (3-расм). Бундай осцилляция потенциал тўсиққа бораётган ва ундан қайтаётган электронлар де-Бройль тўлқинларининг интерференцияси билан тушунтирилади.

Ҳисоблашлар кўрсатадики, агар структура симметриявий: потенциал ўра ва потенциал тўсиқларнинг геометрик ўлчамлари ҳамда тўсиқларнинг баландликлари бир хил бўлса, у ҳолда тўсиқ усти ўтиш коэффицентининг осцилляция амплитудаси потенциал ўра орқали ўтиш коэффицентиникидан катта бўлади (4-расм). Бу ҳолда электрон энергияси ортиши билан осцилляция амплитудаси энергияга тўғри пропорционал бўлганлиги сабабли орта бориб, осцилляциянинг такрорланиш частотаси ўзгармайди.

Асимметриявий структура учун бундай мулоҳазалар ўз мазмунини йўқотмайди, бироқ потенциал тўсиқдан қайтиш ва ундан ўтиш коэффицентлар осцилляцияси амплитудаси ва осцилляция частотаси ўрага нисбатан чап ва ўнг тарафдаги потенциал тўсиқлар баландликлари ҳамда электронларнинг қўшни қатламлардаги эффектив массаларига боғлиқ бўлади. Бундай структураларида локаллашган ҳолатлар


$$e^{i(k_3 x_2 - k_1 x_1)} \left[\left(1 + \frac{\tilde{k}_2}{\tilde{k}_1} \right) \left(1 + \frac{\tilde{k}_3}{\tilde{k}_2} \right) e^{-ik_2(x_2 - x_1)} + \left(1 - \frac{\tilde{k}_2}{\tilde{k}_1} \right) \left(1 - \frac{\tilde{k}_3}{\tilde{k}_2} \right) e^{ik_2(x_2 - x_1)} \right] = 0 \quad (5)$$

муносабат ёрдамида аниқланади.

Келгуси таҳлилларда уч қатламли структурада четки қатламларни, яъни потенциал тўсиқларни бир хил физикавий табиатли деб ҳисобланган. У ҳолда локаллашган сатҳларнинг ўлчамли квантлашган энергияси

$$E_{3,1}(k_{y,z} = 0; n_{3,1}) = \frac{\pi^2 \hbar^2 n_{3,1}^2}{8m_{3,1}(x_2 - x_{3,1})^2} \text{ каби ифодаланади, бу ерда } n_{3,1} = 0, 1, 2, \dots. \text{ Агар}$$

бундай ўлчамли квантлашиш содир бўлмаса, у ҳолда локаллашган сатҳ



4-расм. Симметриявий структурадаги $U = 2E_0$, $U = 5E_0$, $U = 10E_0$ баландликли потенциал тўсиқ устидан қайтиш коэффицентининг потенциал тўсиқ қалинлиги $(x_2 - x_1)$ га боғланиш графиги, бу ерда $E_0 = \hbar^2 / (2m_0(x_2 - x_1))$, m_0 - эркин электрон массси, $(x_2 - x_1)$ нанометрларда қайд қилинган.

энергияси: электронларнинг потенциал тўсиқ устидан ўтишида $\frac{(\tilde{k}_2 + \tilde{k}_1)^2}{\tilde{k}_2^2 - \tilde{k}_1^2} = \cos[k_2(x_2 - x_1)]$; электронларнинг потенциал тўсиқ орқали ўтишида


$e^{\kappa_2(x_2 - x_1)} = \frac{\tilde{k}_2^2 - \tilde{k}_1^2}{\tilde{k}_2^2 + \tilde{k}_1^2}$ трансцендент тенгламалар ёрдамида аниқланади. Охирги

трансцендент тенгламадан кўриняптики, потенциал тўсиқ соҳасида электронлар учун битта локаллашган сатҳ бўлиши мумкин (5-расм). Агар қатламлардаги эффектив массалари бир хил бўлса, у ҳолда электронларнинг потенциал тўсиқ орқали ўтишида локаллашган сатҳлар энергияси эса куйидаги ифода билан аниқланади:

$$E_n^{(2)} = \frac{\pi^2 \hbar^2}{8 m_2 (x_2 - x_1)^2} n^2 + U_2. \quad (6)$$

$x_2 - x_1$ – ўра қалинлиги.

3-ва 4-расмларда потенциал тўсиқ ости ўтиш ва қайтиш коэффициентларининг $k_2(x_2 - x_1)$ параметрга боғлиқлиги тасвирланган. Бунда уч қатламли структуранинг қатламларидаги электронларнинг эффектив массалари $m_1=0.078 m_0$, $m_2=0.036 m_0$, $m_3=0.078 m_0$ каби танланган. Микдорий ҳисоблашларда потенциал тўсиқ қалинлиги $x_2 - x_1 = x = 1 \cdot 10^{-9}$ м., ўнг ва чап тараф баландликлари мос ҳолда $U_1=20$ meV, $U_3=10$ meV каби танланган. Структуранинг асимметриявийлиги туфайли потенциал тўсиқнинг маълум бир соҳалари электронлар тўлқинлари учун шаффоф соҳа бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаби электронлар тўлқин векторлари учун рухсат этилган ва тақиқланган қийматлар соҳаси мавжудлигидадир.



5-расм. Электронларнинг локаллашиш энергиясини тавсифловчи $F(\tilde{k}_2, \tilde{k}_1; x) = \frac{(\tilde{k}_2 + \tilde{k}_1)^2}{\tilde{k}_2^2 - \tilde{k}_1^2} - \cos[k_2(x_2 - x_1)]$ функциянинг (вертикал ўқ) $x = k_2(x_2 - x_1)$ катталиқка боғлиқлиги.

Натижавий потенциал тўсиқ ости ўтиш коэффицентининг (z ўқи) нанометрларда қайд қилинган (x ўқи) потенциал тўсиқ қалинлигига ҳамда электрон вольтларда қайд қилинган электрон энергиясига (y ўқи) осцилляциявий боғлиқлиги 6-расмда тасвирланган.

Диссертацияда натижалари таҳлил этилган ишларда ўлчамли квантлашиш ҳодисасининг тадқиқоти мураккаб зонали, масалан ўркач-симон зонали (масалан, n -GaP ёки p -Te), яримўтказгичларда олиб борилмаган. Шу сабабли n -GaPда ўстирилган ўлчамли квантлашган ўрадаги электронли ҳолатларни тадқиқ қилиш учун электронларнинг

$U(z)$ потенциалли эффектив гамильтониани қуйидаги кўринишда танлаймиз


$$\hat{H} = \hat{H}_0 + \hat{R}_2 k_{\perp}^2, \quad (7)$$

бу ерда

$$\hat{H}_0 = \frac{\Delta}{2} \begin{bmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{bmatrix} - \begin{bmatrix} A_3 & 0 \\ 0 & A_1 \end{bmatrix} \frac{\partial^2}{\partial z^2} + U(z), \quad \hat{R}_2 = \begin{bmatrix} B_3 & D \sin \varphi \cos \varphi \\ D \sin \varphi \cos \varphi & B_1 \end{bmatrix}, \quad (8)$$

$A_{3,1}, B_{3,1}, D, P$ - n -GaPнинг зонавий параметрлари, $k_{\perp}^2 = k_x^2 + k_y^2$, $\vec{k}_{\perp} = (k_x, k_y)$ (ёки $k_x = k_{\perp} \cos \varphi$, $k_y = k_{\perp} \sin \varphi$) электроннинг интерфейс бўйлаб йўналган икки ўлчамли тўлқин вектори, $\vec{r}_{\perp} = (x, y)$, φ – интерфейлда жойлашган икки ўлчамли Декарт координаталар системасининг Ox ўқи ва \vec{k}_{\perp} вектор орасидаги бурчак. (7) гамильтонианли Шредингер тенгламасини ечиб, ўтказувчанлик зонаси икки тармоқдан иборат ва уларнинг орасида энергетик тирқиш мавжуд бўлган яримўтказгичда электронларнинг ўлчамли квантлашган энергетик спектри: изотроп эффектив масса яқинлашишида импульслар фазосида ўзаро кесишмайдиган, анизотропиявий эффектив масса яқинлашишида эса ўзаро кесишадиган энергетик сатҳлар тўпламидан иборат эканлиги кўрсатилган

«Ўрқачсимон зонали яримўтказгичда фотонли кинетик ходисалар» номли тўртинчи бобда ковакли ўтказувчанликли теллурда содир бўладиган фотонли эргаштириш токининг спектрал ва температуравий боғланиши тушаётган ёруғликнинг қутбланиш даражасига эътибор қаратиб ҳисобланган.



6-расм. Потенциал тўсиқ ости ўтиш коэффициенти (z ўқи)нинг нанометрларда қайд қилинган (x ўқи) потенциал тўсиқ қалинлигига ҳамда электрон вольтларда қайд қилинган электрон энергияси га (y ўқи) боғлиқлиги.

Бунда дастлаб фотонли эргаштириш токининг феноменологиявий таҳлиллари бажарилиб, сўнгра унинг ёруғлик қутбланиш дажарасига боғлиқ ҳолда микроскопик назарияси қурилган.

Фотонли эргаштириш токини ҳисоблашда ток ташувчилар энергиявий спектрининг табиати (изотроп ёки анизотроп бўлиши) катта мазмун касб этади. Шу сабабли дастлаб ковакли теллурнинг зонавий тузилиши: валент зонасининг тармоқларидаги ковакларнинг энергетик спектрлари, сўнгра фотонли эргаштириш токининг тензорлари ҳисобланган. Хусусан, ковакларнинг қуйидаги

энергетик спектрига нисбатан

$$E_l(\vec{k}) = A_{\parallel} k_z^2 + A_{\perp} k_{\perp}^2 + (-1)^{l+1} \sqrt{\Delta_z^2 + \beta_v^2 k_z^2} \quad (9)$$

фотонли эргаштириш токи тензори учун қуйидаги ифода олинган ($\vec{e} \parallel c_3$)

$$\sigma_{yzx}^{(i)} = (-1)^i \frac{16\pi eI}{\hbar\omega} K' \frac{\delta k_B T \Delta_2 \hbar\omega g \tau_{lk_0} \hbar}{m_0 \beta_v^2 \left[(\hbar\omega)^2 - 4\Delta_2^2 \right]}, \quad (10)$$

бу ерда $A_{\parallel} = 0.363 \times 10^{-14} \text{ eV} \cdot \text{cm}^2$, $A_{\perp} = 0.326 \times 10^{-14} \text{ eV} \cdot \text{cm}^2$, $\beta_v^2 = 0.6 \times 10^{-15} \text{ eV}^2 \cdot \text{cm}^2$

$\Delta_2 = 63.15 \times 10^{-3} \text{ eV}$, δ -Тенинг зонавий параметрлари, Бундай ҳолда $l = 1$ (M_1') тармоқнинг спектрида «ўркач» пайдо бўлади ва унинг чуқурлиги

$$\varepsilon_{\min} = \Delta_2 - \left(\frac{\beta_v^2}{4A} + \frac{\Delta_2^2 A_{\parallel}}{\beta_v^2} \right) = -2.37 \text{ meV} \quad \text{унга мос келувчи тўлқин вектор}$$

$$k_{z,\min} = \pm \frac{1}{\beta_v} \sqrt{\frac{\beta_v^4}{4A_{\parallel}^2} - \Delta_2^2} = \pm 2.16 \cdot 10^6 \text{ cm}^{-1}.$$

(10)дан кўриняптики, p -Теда фотонли эргаштириш токида ковакларнинг g -фактори ҳисобига ҳосил бўладиган улуши температуранинг ортиши билан орта боради. Ҳисоблашлар кўрсатадики, $\lambda = 10,6 \cdot 10^{-6} \text{ м}$ тўлқин узунликли CO_2 лазер билан хона температурасидаги $p\text{-Te}$ ёритилганида фотонли эргаштириш токи спектрал боғланишидаги назарий ҳисобланган максимал қиймати экспериментал қийматдан 1,2 марта кичиклиги келиб чиқади, бу ерда коваклар учун $g \approx 5$ миқдор танланган. Назарий ва экспериментал натижалардаги бундай фарқ коваклар эффектив массаси ва g -факторининг анизотропияси эътиборга олинганида камайиши мумкин. Микроскопик нуқтаи назардан $\hbar\omega \ll \Theta < 2\Delta$ частоталар соҳасида циркуляр силжишли (бош симметрия ўқига нисбатан) кўндаланг фотонли эргаштириш токининг спектрал боғланиши тақсимот функцияси ва коваклар импульси релаксация вақтининг энергиявий боғланиши билан аниқланади. Бундай фототок теллурнинг бир ўқли симметрияга эга бўлиши, яъни ε_{\perp} , ε_{\parallel} – кўндаланг ва бўйлама диэлектрик киритувчанлик билан аниқланувчи анизотропияси мавжудлиги билан содир бўлади.

Силжишли фотонли эргаштириш токининг спектрал боғланишида $\lambda \ll \frac{\hbar \cdot c}{(k_B T)}$ шартни қаноатлантирувчи тўлқин узунликлар соҳасида

$$j_y^{(PDE, circ)} \propto \frac{1}{\lambda} \text{ тур, } \lambda \gg \frac{\hbar \cdot c}{(k_B T)} \text{ тўлқин узунликлар соҳасида эса } j_y^{(PDE, circ)} \propto \lambda^3$$

тур асимптотик боғланишлар кузатилади. Шунингдек, фотонли эргаштириш токининг спектрал боғланишида даражали: $(\hbar\omega - 2\Delta_2)^{-n}$ тур сингулярлик (ўзига хослик) аниқланган ва у коваклар энергиявий спектридаги ўркачсимон соҳанинг мавжудлиги, яъни бош симметрия ўқи йўналишидаги ҳолатлар зичлиги билан унга тик йўналишдаги ҳолатлар зичлигини бир-биридан фарқ қилиши билан тушунтирилади. Масалан, ковакларнинг g -фактори билан боғланган бир фотонли эргаштириш токи учун $n = 1/2$. Натижада зонанинг битта тармоғи ичидаги оптик ўтишлардаги сингулярлик зонанинг тармоқлариаро оптик ўтишлардагига нисбатан $\sim \hbar / (|2\Delta - \hbar\omega| \tau)$ марта катта бўлади.

ХУЛОСА

Ўркачсимон зонали яримўтказгичларда ўлчамли квантлашиш ҳамда кутбий оптик ва фотовольтаик ходисаларнинг назарий тадқиқи бўйича қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Бир фотонли ютилишининг спектрал боғланишида яримўтказгич зонавий тузилишига, ёруғликнинг кристалл бош симметрия ўқиға нисбатан тарқалиш йўналишига боғлиқ даражали ўзига хослик-сингулярлик кузатилиши шарти аниқланган.
2. Электронлар учун локаллашган сатҳ содир бўлиши шартлари аниқланган ва уч қатламли яримўтказгичли структура ўрасида ўлчамли квантлашиш содир бўлмаган ҳолда электронларнинг локаллашиш энергияси потенциал тўсиқ устидан ёки тўсиқ орқали ўтишига боғлиқ ҳолда икки хил трансцендент тенгламалар ёрдамида ҳисобланган.
3. Асимметриявий уч қатламли структурада потенциал тўсиқдан қайтиш ва ўтиш коэффициентининг фазовий осцилляцияси амплитудаси ва частотаси потенциал тўсиқнинг ўнг ва чап баландликлари ҳамда электронларнинг қўшни қатламлардаги эффектив массаларига боғлиқлиги аниқланган.
4. *n*-тип галлий фосфида ёруғликнинг ютилиши ёруғликнинг кристалл симметрия ўқиға нисбатан тарқалиш йўналишига боғлиқлиги аниқланган ва унга боғлиқ ҳолда оптик ўтишлар табақалаштирилган. Хусусан бош симметрия ўқи бўйлаб тарқалаётган ёруғлик ютилиш коэффициентида квадрат илдизли сингулярлик ҳисобланган. Бир фотонли ёруғлик ютилиши спектри бўйича назарий ва тажриба натижалари солиштирилган.
5. *n*-тип галлий фосфида электронларнинг ўлчамли квантлашган энергетик спектри: сферавий эффектив масса яқинлашишида ўзаро кесишмайдиган, анизотропиявий эффектив масса яқинлашишида эса ўзаро кесишадиган энергетик сатҳлар тўпламидан иборат эканлиги аниқланган.
6. *p*-тип теллурда фотонли эргаштириш токининг ковакларнинг *g*-факторига боғлиқ улуши ва токнинг спектрал боғланишида даражали сингулярлик аниқланган. Бу ўзига хосликнинг зонанинг битта тармоғи ичидаги оптик ўтишларида тармоқлараро оптик ўтишлардагига нисбатан $\sim \hbar / (|2\Delta - \hbar\omega| \tilde{\tau})$ марта катта бўлиши ҳисобланган, бу ерда τ – коваклар импулси релаксация вақти.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАМАДАЛИЕВА НАРГИЗА ЗОКИРЖОН КИЗИ

**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РАЗМЕРНОГО
КВАНТОВАНИЯ И ПОЛЯРИЗАЦИОННЫХ ОПТИЧЕСКИХ
ЯВЛЕНИЙ В ПОЛУПРОВОДНИКАХ С ГОРБООБРАЗНОЙ ЗОНОЙ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD/FM297.

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ispm.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Расулов Рустам Явкачович, доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломкодирович, доктор физико-математических наук, доцент Аюханов Рашид Ахметович, доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора философии PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 при Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники Национального университета (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-94, факс (+99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за №____) по адресу: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-59.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 г.)

Ш.Б. Утамурадова,
председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора философии, д.ф.-м.н.,
профессор

С.С. Насриддинов,
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени доктора философии,
д.т.н., доцент

А.Т. Мамадалимов,
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора
философии, д.ф.-м.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивно развивающиеся в мире объемные и низкоразмерные полупроводниковые приборы в области нано- и оптоэлектроники, поляритоники и фотоники приобретают все большее значение. В области исследований линейных и нелинейных по интенсивности поляризационных оптических и фотовольтаических эффектов возникает необходимость создания сверхнизкоинерционных фотоэлектрических элементов и фотоэлектрических устройств, которые работают в инфракрасной области излучения. По этой причине теоретические и экспериментальные исследования оптических и фотовольтаических эффектов, зависящих от степени поляризации света в полупроводниках и их наноразмерных структурах, являются одной из важнейших задач в области физики твердого тела.

В настоящее время в мире исследования физических процессов, происходящих в размерно-квантованных и объемных полупроводниках, являются одной из важнейших задач в следующих направлениях научных исследований: определение локализованных состояний электронов в полупроводниковой структуре, состоящей из периодически расположенных систем «потенциальная яма+потенциальный барьер»; определение механизмов оптических и фотоэлектрических эффектов, возникающих в полупроводниках под действием поляризованного света; расчет спектральных и температурных зависимостей фототока фотонного увлечения, относящегося к поляризационным фотовольтаическим эффектам; определение зависимости поглощения поляризованного света от своеобразия, в частности от горбообразности, зонной структуры полупроводника.

В нашей стране в приоритетных направлениях развития науки, в том числе, в изучении фотоэлектрических явлений, получены значительные результаты. В частности, в области исследования оптических и фотонно-кинетических явлений в объемных и низкоразмерных полупроводниках. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделяется решению вопросов развития научно-инновационной деятельности, механизмов эффективности реализации научных и инновационных достижений.

Результаты научного исследования данной диссертации в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в ряде Указов и Постановлений Президента Республики Узбекистан, в том числе в Указе Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» и в Постановлениях Президента № ПП-3855 от 14 июля 2018 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности», № ПП-3899 от 6 августа 2018 года «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности» и № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по

дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере и изложенных в соответствующих законодательных актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий страны – «III. Развитие использования источников возобновляемой энергии».

Степень изученности проблемы. Исследования явлений, возникающих под действием поляризованного света в полупроводниках со сложной зоной, проводятся в ряде научно-исследовательских институтов и университетов развитых стран мира. В частности, такие научные исследования проводятся в American Institute of Physics (США), University of New Hampshire (США), Universität Regensburg (Германия), Institute of Physics (Варшава, Польша), Физико-техническом институте им. А.Ф. Иоффе (Санкт-Петербург), Физическом институте им. П.Н. Лебедева (Москва), в Институтах физики полупроводников (Новосибирск, Россия; Киев, Украина).

